

Юнусжон АХМЕДОВ

Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати
“Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик
лицейи, “Турон” Фанлар академиясининг
фахрий профессори
akhmedov.yunusjon2301@gmail.com

АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ – БУЮК ВАТАНПАРВАРЛИК РАМЗИ

ОБРАЗ АМИРА ТЕМУРА – СИМВОЛ БОЛЬШОГО ПАТРИОТИЗМА

THE IMAGE OF AMIR TEMUR IS A SYMBOL OF GREAT PATRIOTISM

Аннотация: Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврини бошдан кечираётган даврда яшамоқдамиз. Тараққиётнинг бу даври асосини жамиятда кўпчилиكنи ташкил этаётган ёшлар қатлами яратаётганлиги шубҳасиздир. Бу яхши анъана самарали давом этиши учун умуммиллий доирада ёшларнинг ватанпарварлик тарбиясига жиддий эътибор беришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Ёшларда ватанпарварлик тарбиясини шакллантиришда ватанамиз тарихида улкан из қолдирган буюк шахсларнинг ҳаёт йўлларини ўрганиш ҳам катта тарбиявий аҳамият касб этади. Ўзининг ҳаёти, фаолияти давомида юрт тинчлиги ва озодлиги, унинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда унинг равнақи йўлида муносиб ном қолдирган Амир Темур ватанпарварлик тарбиясининг тимсоли сифатида тарихимиздан муносиб жой олган. Унинг фаолиятини ўрганиш орқали ёшларимизга ибрат намунаси бўладиган, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ёрдам берадиган кўплаб маълумотларга гувоҳ бўламиз.

Калит сўзлар: Ватанпарварлик тарбияси, Соҳибқирон, давлат бошқаруви, инсонпарварлик, мамлакат хавфсизлиги, тузуклар, иқтисодий тараққиёт, мардлик, ижтимоий барқарорлик.

Аннотация: Мы живём в новом этапе исторического развития нашей страны. Основу нового этапа этого прогресса создают поколения молодёжи, которая составляет большую часть нашего общества. Чтобы продолжить историческую преемственность этой положительной традиции, потребуются особое внимание к патриотическому воспитанию молодого поколения. Для формирования патриотического воспитания молодёжи изучение жизни и деятельности великих наших исторических

личностей имеет огромную воспитательную функцию. Деятельность Амира Темура, который освободил страну от ига иноземных захватчиков, создал централизованное государство, является ярким примером для патриотического воспитания молодого поколения. Изучая жизнь и деятельность великого Темура, сталкиваемся со многими фактами, которые могут стать идеалом для подражания для современной молодёжи.

Ключевые слова: Патриотическое воспитание, Соҳибқирон, государственное управление, гуманизм, государственная безопасность, уложения, экономическое развитие, мужество, социальная стабильность.

Annotation: We live in a time when our country is experiencing a new era of development. There is no doubt that the basis of this period of development is formed by the majority of young people in society. In order to continue this good tradition effectively, the period itself requires serious attention to the patriotic education of young people at the national level. The study of the life of great people who have left a huge mark on the history of our country in the formation of patriotic education of young people is also great educational importance. Amir Temur, who during his life and activity left a worthy name for the peace and freedom of the country, its security and development, has a worthy place in our history as a symbol of patriotic education. By studying his activities, he will become a role model for our youth.

Keywords: Patriotic education, Sohibkiran, public administration, humanity, national security, rules, economic development, courage, social stability.

КИРИШ

Ёшлар тарбияси тарихнинг барча давларида давлатлар тараққиёти, уларнинг маънавий асосларини яратишда энг муҳим вазифалардан бири саналган. Агар эътибор бериб қаралса, бу мавзу долзарблигини умуман йўқотмайди, аксинча тарбиянинг марказий мавзуси сифатида янги-янги қирралари очилиб борилаверади. Ўзбек халқининг қадимий ва бой тарихига назар солинса ёшларнинг тарбияси, айниқса, уларнинг ватанпарварлик тарбиясини шакллантириш, бу тарбияни мустаҳкамлаш орқали уларнинг ақлий ва жисмоний имкониятларини мамлакат ривож учун йўналтиришга оид мисолларни кўплаб учратиш мумкин. Жумладан, улкан салтанат бунёд этиб, унинг ривож ва мустаҳкамланиши учун курашган, ўз фаолиятида бетакрор бунёдкорлик фаолиятини олиб борган

Соҳибқирон Амир Темур фаолиятини ўрганиш давомида ёшларнинг ватанпарварлик тарбиясига самарали таъсир ўтказадиган қатор мисолларга рўбарў бўламиз. Бугунги глобаллашув даври, Ўзбекистонимизнинг умуман янги қиёфаси яратилаётган даврда уларни ўрганиш, ёшларимиз тарбиясида қўллаб қўриш ҳеч қачон фойдадан холи бўлмайди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Аввало шуни таъкидлаш керакки, Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши, мўғуллар зулмидан Ватанимиз ҳудудларини озод этиши ўта қийин тарихий вазиятда амалга ошган, у фаолияти давомида жуда кўп қийинчиликларга учраган, лекин марказлашган мустақил давлатни барпо этишдек мақсадини амалга ошириш учун барча имкониятларини ишга солган. Шунинг учун Амир Темур ҳаётини ўзиёқ тарбиянинг, айниқса, ватанпарварлик тарбиясининг катта мактаби вазифаси бўлиб хизмат қилади.

Қайд этиш лозимки, Амир Темур ёшлигидан бошлаб ўзи яшаётган ҳудуд ва муҳитнинг ҳар бир нуктасида мўғуллар ҳукмронлигининг аянчли оқибатларини кўриб ўсди, қадимий обод деҳқончилик ва хунармандчилик маркази, савдо-сотиқ ривожаланган Мовароуннаҳр иқтисодий таназзулга юз тутиб, халқнинг турмуш тарзи оғир аҳволда эди. Сиёсий тарқоқлик эса мўғулларга Мовароуннаҳрни бемалол толон-тарож қилишни давом эттириш имкониятини яратиб бераётган эди. Айнан шундай вазиятга нукта қўйиш, юртни мўғуллар зулмидан озод этиш истаги Темурнинг кўнглида ёшлигидаёқ пайдо бўлганлигига шубҳа йўқ. Темурнинг болалигидан суворийлик, ҳарб санъатини пухта ўрганганлигини ва мусулмончилик руҳида тарбияланганлигини, иззат-нафсли бўлганини, мўғулларни даф қилиш фикрида ўсганлигини тарихий манбалар қайд этиб ўтилади [12:21].

Салтанат тўнини кийгач, тинчлигу соғлиги кетган, ўз тўшагида роҳатда ухлаш ҳузур ҳаловатидан воз кечган, ранжу меҳнат тортган Амир Темур адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзидан рози қилганлигини, гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқарганлигини салтанат қуриш ва бошқаришга оид олтинчи тузукида айтиб ўтади [4:53].

Соҳибқирон ўз фаолияти давомида адолат, инсонпарварлик, шахсий манфаатлардан ижтимоий манфаатларни устун қўйганлигини ва бу тамойилни мамлакат равнақига хизмат қилувчи асосий омил сифатида қараганлигига гувоҳ бўламиз. Ватанпарварлик тарбияси доирасида инсоннинг ўз ватани равнақига муносиб ҳисса қўша олишга интилиши ҳам жой олганлигини инобатга олиб, ёшлар орасида адолатли, инсонпарвар бўлишни, шахсий манфаатлар бор жойда ижтимоий манфаатларни ҳам унутмаслик тушунчаларини сингдириб бориш катта аҳамият касб этади.

Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, ватанининг хавфсизлиги, тинчлиги, тараққиётини таъминлашга жиддий киришади. Феодал тарқоқликни тугатишга, марказлашган давлат тузишга бор имкониятларини сафарбар этди, бу эса ўзининг ижобий оқибатларига олиб келди. Мамлакатдаги ишлаб чиқарувчи кучлар ва муғулларнинг бир ярим асрлик ҳукмронлиги даврида жиддий зарар кўрган иқтисодиётни тиклаш учун қулай шароит вужудга келди. Айни вақтда хўжаликнинг асоси бўлган деҳқончиликда силжишлар бошланди, хунармандчилик, ички ва ташқи савдо ривожланди, фан ва маданият равнақ топа бошлади [8:32].

Соҳибқирон салтанатини бошқаришда риоя этган иккинчи тузукида аҳолининг ўн икки тоифаси вакиллари таяниб мамлакатга ривож ва равнақ берганлигини айтиб ўтади. Ана шу ўн икки тоифа вакиллари бешинчиси сипоҳ ва раиятдир. Амир Темур уларни ҳар иккисига бир хил қараган, уларни бирортасини иккинчисидан устун қўймаган, бу икки тоифа, аксинча бир бирига суянган. Айниқса, сипоҳийлардан чиққан баҳодирлар ва довюраларни эҳтиром этган, совға-салом улашган, мартабаларини кўтарган. Сипоҳийлардан қайси бири кўзга кўринарли бирор хизмат кўрсатса, инъомлар бериб, бошқаларидан айрича ҳурмат қилган. Қолаверса, бирор кишини ақлли ва шижоатини синов тарозисида тортиб кўриб, бошқалардан ортиқлигини аниқласа, уни тарбия қилиб амирлик даражасига кўтарган [4:65-66]. Демак, Амир Темур тасаввурида сипоҳ бунёдкор халққа бўйсунити, унинг манфаатларига хизмат қилиши керак, жамиятдаги мард, жасур, ақлли ҳар бир инсонни эътиборга

олиш керак, бундай кишиларни қобилият ва имкониятларини ривожлантириш керак, уларни бу имкониятларини мамлакат равнақиға йўналтириш лозим.

Амир Темур жаҳонгирлик қилишга киришганида уч юз ўн уч асил зотли, шижоатли ва ақл-фаросатли эр йигитларни атрофига бирлаштирган. Уларнинг бирлик ва иттифоқлари шундай эдики, барилари гўё бир тандек эдилар. Барчаларининг мақсадлари, раъйлари, сўзлари ва ишлари битта эди. Бир ишни қилайлик деб қарор қилсалар, тугатмагунларича ундан қўл узмасдилар [4:92]. Бизнинг фикримизча, Амир Темур амалга оширган бундай ёндошувлар ўз даврида ҳукмдорнинг ишончига сазовор бўлиш учун ҳар бир кишини ўзида шижоат, ақл-фаросат каби хусусиятларни мукамал даражада шакллантиришга ундаган. Бундай сифатлар ҳам ҳақиқий ватанпарвар инсонда ўз аксини топади.

Амир Темур давлатида меҳнат қилган бунёдкор инсонга давлат амалдорлари, ҳукмдорлар ҳамиша ғамхўрлик қилишлари лозим эди. Улардан солиқлар ундиришда тузукларга мувофиқ иш кўриш зарур эди. Кимки бирон саҳрони обод қилиб, қориз курса ёки хароб бўлиб ётган ерни обод қилса ундан биринчи йили солиқ олинмаган, иккинчи йили ўз розилиги билан берган солиқ олинган, учинчи йили қонун-қоидага мос солиқ ундирилган [4:99]. Бундай ёндашув фаол меҳнат билан банд бўлган инсонни мамлакат қонунлари ва ҳукмдорига нисбатан ҳурмат эҳтиромини уйғотган бўлиши табиий. Меҳнатсеварлик, бунёдкорлик, мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшиш шахснинг ватани, халқи олдидаги энг масъулиятли бурчи бўлиши лозим.

Соҳибқирон мамлакатда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясига жиддий эътибор бериш орқали уларнинг манфаатлари йўлида ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилишни, фақиру мискинларга лангархона (йўловчилар қўниб ўтган жой, камбағал етим-есирларга овқат бериладиган жой, ғарибхона) солишни, касаллар учун шифохоналар қуришни ва уларда ишлаш учун табиблар тайинлашни, ҳар бир шаҳарда дор ул-аморат ва дор ул-адолат қуришни, раияту зироатни қўриқловчи қўрчилар тайинлашни амр этган [4:100]. Ўз навбатида ҳукмдор

ва давлат амалдорларини аҳоли ижтимоий манфаатларини кўзлаб фаолият олиб бориши, халқ оммасини фаровонлигини ошириш учун етарли имкониятларни ҳозирлашга интилиши Амир Темурнинг ҳамиша диққат-марказида бўлиб келган. Бундай шароитда фаровон ва хавфсиз турмуш кечираётган фуқаро ўз давлати ва ҳукмдорига содиқ бўлишга, қонунларга ҳурмат билан ёндошишга интилган. Бу эса фуқроларнинг ватанига, эл юртига ҳурмат, унинг манфаатларига садоқат қайфиятларини ошишига сабаб бўлганлиги табиийдир.

Маълумки, Амир Темур давлатида барча ижтимоий табақаларнинг манфаатлари ҳисобга олинар эди. Уларнинг имкониятларидан фойдаланиш давлатни мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш ва иқтисодий ривожланиши учун зарур эди. Қонун кучига эга бўлган “Тузуклар”да ҳар бир ижтимоий гуруҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган эди [3:58]. Айнан шундай сиёсат юргизиш марказий ҳокимиятни ҳам мустаҳкамлаган, фуқаролар эса давлатни ўз ҳимоячиси ва манфаатларининг қафили деб билишган. Халқ ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий омилларини ҳисобга олиш фуқароларда давлат ва ҳукмдорга нисбатан бўлган ишончни орттирган, бундай сиёсат асосида яшаётган ҳар бир фуқарода ватанпарварлик ҳис-туйғулари мустаҳкамланиб борганлигини рад этиб бўлмайди.

Фуқароларнинг ватанпарварлик тарбияси мукамаллиги уларнинг инсонпарварлигида, халқ бошига қийин вазият, мусибатлар тушганда, мамлакат манфаатлари ўртага қўйилган ҳарбий-ҳаракатлар пайтида ҳам намоён бўлади. Амир Темур шахсияти ва давлат бошқарувида ҳам инсонпарварлик, мамлакат манфаатлари учун фидойи бўлиш каби хусусиятлар доимо кўзга ташланиб турган. Соҳибқирон саройига ташриф буюрган испан элчиси Клавиҳо гувоҳлик беришича, Темур шахсан ўзи ҳеч кимга озор бермаган ва бировга асоссиз озор берганларни қаттиқ жазолайди. Кимда-ким жангда олд томонидан жароҳатланса, унга катта эҳтиром кўрсатилади. У жасур ва мард кишиларни қўп иззатлайди, уларга катта тухфалар қилади [10:184].

Амир Темурдаги ватанпарварлик ҳислатлари унинг инсонпарварлик, адолатлилик

фазилатлари билан уйғунлашиб кетади. Ҳар қандай шароитда, ҳатто ўзи учун қийин ва танг ҳолатларда ҳам Амир Темур ҳазратлари адолат мезонига амал қилиб, ботир ва жасур кишиларга нисбатан тантилик билдириб, ўз ҳурматини изҳор этган. Ҳатто ўз рақибларидан бўлса ҳам мард ва довюрак жангчиларга тан бериб, самимий равишда иззат-икромини билдирган [11:83].

Шахснинг ватанпарварлик тарбиясида унинг маънавияти, имон-этиқодининг ҳам катта таъсири бор. Амир Темур ҳам инсон этиқодсиз яшай олмаслигини яхши тушунган. У динни юксак камолот йўлига етакловчи куч, инсонни маънавий жиҳатдан комиллик даражасига олиб чиқувчи восита деб билган. Шу боис имон-этиқод, маънавий поклик, ҳалоллик тушунчаларини жуда қадрлаган. Амир Темур динни юксак камолот йўлига етакловчи куч, инсонни маънавий жиҳатдан комиллик даражасига олиб чиқувчи восита деб билган. Шу боис имон-этиқод, маънавий поклик, ҳалоллик тушунчаларини жуда қадрлаган. Манбаларда қайд этилишича, Амир Темур Қуръони Каримни ёд билган, ҳадисларни яхши тушунган, тафсир илмидан хабардор бўлгани боис диний аснодаги баҳсларда йирик уламолар билан баробар сўз юрита олган. Бу унинг маънавияти, имон-этиқоди, диёнати қанчалар мукамал бўлганлигидан дарак беради. Амир Темур мусулмончилик ақидалари жамият осойишталиги ва равнақи, ижтимоий адолат, маънавий поклик, фуқаролараро тотувлик йўлида хизмат қилиш тарафдори бўлган [9:173]. Бизнинг фикримизча, жамиятни ахлоқий покликка даъват этувчи муқаддас динимизнинг қоидаларидан Соҳибқирон ватанпарварлик тарбиясини манбаи сифатида фойдаланган бўлиб, фуқароларнинг онгида диний ақидаларни мустаҳкамланиб бориши баробарида уларда бунёдкорлик, ватан тақдирига бефарқ бўлмаслик каби сифатлар ҳам ривожланиб борган.

Амир Темур назарида ватанпарварлик тарбияси шахсий ибратдан бошланади. Унинг фаолиятини фақат ҳарбий юришлар билан боғлиқ ҳолда тасаввур қилмасдан, ҳаёти давомида амалга оширган бунёдкорлик ишларига ҳам назар солинса, тарбиявий ибрат олишга арзийдиган кўпдан-кўп жиҳатларига

ҳам рўбарў бўламиз. Темур нафақат Мовароуннаҳр ва Туркистонни обод қилди, балки буйсундирилган мамлакатларнинг бир қатор шаҳарларини ҳам қайта қурдирди. Бағдод, Дарбанд ва Бойлакон шаҳарларини янгидан тиклади, йуллардаги бузилиб ётган қалъа, работлар ва кўприкларни, кўплаб наҳрларни бунёд этди. Энг муҳими, Эрон, Озарбайжон ва Ироқдаги феодал тарқоқлик ва бошбошдоқликка барҳам бериб, Шарқ билан Ғарбни боғловчи қадимий карвон йулларининг фаолиятини йўлга қўйди. Бу, ўз навбатида феодал тарқоқлик ва ўзаро урушлар оқибатида мамлакатлар ўртасида узилиб қолган иқтисодий (савдо-сотиқ) ва маданий алоқаларнинг тикланишига олиб келди. Бу билан нафақат Мовароуннаҳр, балки Ўзок, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларининг иқтисодий ва маданий тарақиётига, халқлар ва мамлакатларни бир-бири билан яқинлаштиришга улкан ҳисса қўшди [5:36-37].

Соҳибқирон онгу шуурини мустақиллик ва озодлик ҳақидаги ғоялар эгаллаб олган эди. Мафкура ғояларига ақл-идрокли, ватанпарвар, жасоратли, тадбиркор ва умуман, ҳар жиҳатдан етук шахс бошчилик қилгандагина самарали бўлиши мумкин. Буюк Амир Темур мустақиллик ва озодликнинг рамзи сифатида тан олинган шахс ҳисобланади. Амир Темур халқни зулмдан озод қилишни муқаддас бурч деб билган [7:36]. У бу олий мақсадга содиқлигини амалда кўрсатиб, босқинчиларга қарши кураш олиб борди. Унинг шарафли кураши мамлакатни босқинчилардан тозаланишига олиб келди, юртда мустақил давлат шаклланди, бу давлат иқтисодий ва ижтимоий соҳада халқнинг фаровонлигини таъминлайдиган тизимни ҳаётга татбиқ этди. Темурнинг мамлакатни босқинчилардан озод этиш билан боғлиқ фаолияти осон кечмаган, душманлари доимий равишда унинг ҳаётига хавф солиб туришган. Ўз иродаси, мардлиги ва матонати эвазига марказлашган кучли давлатга асос солади. Кўриниб турибдики, Соҳибқирон фаолиятининг ўзиёқ ватанпарварликининг буюк намунаси саналади, шунинг учун унинг барча соҳаларда эришган муваффақиятларини ҳам ёшларни ватанпарварлик руҳиятида тарбиялашга йўналтириш мақсадга мувофиқдир.

Амир Темур ҳаёти давомида фарзандларига муносиб тарбия берди, уларни илм-маърифатли,

халқ ғамини, юрт тинчлигини устувор мақсадга айлантиришга ўргатди. Ўлим билан юзларча марта юзма-юз келган Темур ҳаётининг сўнгги дақиқаларида ўзининг қаҳрамонлик вазифасига содиқ қолди. Уни ўраб олган болалари, набиралари ҳамда қуролдош дўстлари дунёдан кўз юмаётган олий ҳукмдор учун аччиқ кўз ёши тўккан пайтда, у ҳаммасини ўзаро иттифок ва дўстона ҳаёт кечиришларини истаб, ўзига ворис этиб тайинланган Пирмуҳаммадга итоат этишларини васият қилган [12:32]. Кўриниб турибдики, Соҳибқирон умрининг сўнгги дақиқаларида ҳам юрт қайғусида яшаган, ўз ворисларини иттифокқа чорлаб юртини, ватанини мустақамлиги, ривожини иттифокда, аҳилликда, ҳамжиҳатликда деб билган.

Темурдаги ватанпарварлик тарбияси ўз юртида илм-маърифатни ривожлантиришга кучли эътибор берганлигида ҳам доимо кўзга ташланиб туради. У ўз юртини ислом оламининг маданий марказига айлантиришга қўлидан келганча ҳаракат қилган. Венгер шарқшуноси Ҳерман Вамбери таъкидлашича, турк ва араб қавмидан бўлган барча жаҳонгирлар ва фотиҳлар каби Темурда ҳам она Ватанига жуда хос даражада тарафқашлик бор. Шунинг учун у ғарбий ислом дунёсининг сиёсий марказини, шу билан бирга эндиликда ожиз бўлиб қолган ислом маданияти асосини Туркистон чўлларининг юмшоқ тупроқларига кўчиришни ният қилган эди. Бунга таассуф билан қараш мумкин. Лекин уни жинойт деб ҳисобламаслик керак. Темурнинг шу маслаги унинг азиз ватани Ўрта Осиё учун ниҳоятда муҳим ва узоқ давом этган самара берганини гапириб ўтиришга эҳтиёж йўқдир [12:33].

Ўз юртини равнақи учун бор имкониятни сафарбар этган Амир Темур ўзи эгаллаган юртларнинг машҳур олиму уламоларини Мовароуннаҳрга олиб келган, ўзи олиб келганларнинг ҳаммасига Соҳибқирон жувонмардона инъом ва эҳсон қилган, унинг саройида истеъдодли бўлганлари, масалан, энг буюк қомусий арабий ёзувчи Жазирий жуда катта мансаб олди. Юртга олиб келинган Нишопур, Бағдод, Марв, Хоразмнинг уламо ва мударрислари, Бухоро, Самарқанд ва Кеш мадрасаларида илгарида бўлганидан ортиқ маош ва белгиланган иш ҳақи олдилар. Умуман, Темур давлатининг қудратли даврида

мадрасалар таъсис этилди, улар хайр-саховат туфайли кенг миқёсда тараққий этди, Темур бу ишнинг ташаббускори бўлгани учун унинг хонадони аъзолари, вазирлари, мамлакатнинг бойлари — барча яхшилар мадраса-ю масжидлар, қироатхоналар, касалхоналар таъсис этиш ҳамда уларга эҳсон беришда ўзаро мусобақа ўйнашган. Бинобарин, Ўрта Осиёнинг маънавий тараққиёти, билвосита бўлмаса-да, ҳар ҳолда, Амир Темур хизмати ва ҳимматига чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди [12:39].

Амир Темур фарзандлару набиралар тарбиясига кучли эътибор бериб, уларни ҳам ёшлиқдан бошлаб ўз ватани манфаати йўлида масъулиятни ва жавобгарликни ўз зиммаларига олишни, мамлакат мудофааси ва равнақи учун бор имкониятларини ишга солишга ўргатган. Натижада, унинг ўғиллари ва набиралари ёшлиқ чоғларидан бошлаб салтанат масъулиятини ўз зиммасига ола биладиган етук шахслар бўлиб етишишди, ҳукмдор эса уларга энг муҳим вазифаларни ишониб топширган. Масалан, 1375 йилда Жетага қилган юриши чоғида лашкарининг энг масъулиятли саналмиш манглай қисмини бошқаришни ўғли Жаҳонгир Мирзога топширган. Шаҳзода эса ғанимлар устига лашкар тортиб, баҳодирлик санъатини намоёйиш этган, мардона жанг қилган ва ғалаба қозонган. Соҳибқироннинг иккинчи ўғли Умаршайх Мирзо ўн тўрт ёшида - 1370 йил баҳорида Балхда Амир Ҳусайн билан бўлган муҳорабада қатнашган, душман билан юзма-юз жанг олиб борган. Соҳибқирон узоқ сафарларга, жумладан, 1391 йили Дашти Қипчоққа ва 1392 йили беш йиллик юришига кетганида Туронни идора қилишни Шохрух Мирзога топшириб, уни пойтахт Самарқандда қолдирган. Набиралари орасида Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Муҳаммад Султон Мирзо ўзининг жасорати ва довларқлиги билан алоҳида ажралиб турган. Туроннинг шарқида Мўғулистон чегара қисмларини муҳофаза қилиш 1397 йил 22 январда Муҳаммад Султон Мирзога юклатилган. Соҳибқирон етти йиллик юришига сафар қилганида эса, салтанат пойтахти Самарқандни идора этишни айнан шу неварасига ишониб топширган [6:102-103].

ХУЛОСА

Ўзининг фаолияти давомида улкан салтанат барпо этиб, унинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тамойилларини изчил ишлаб чиққан буюк Соҳибқирон Амир Темур жамият тарихида миллий давлат пойдевори барқарор бўлиши ва авлодлари томонидан авайлаб ардоқланишини асосий мақсад қилиб олган эди.

Ҳеч шак-шубҳасиз Амир Темур шахси гурур, фахру ифтихор тимсоли саналади. Унинг ўз ватанини озод этиш, унинг иқтисодий тараққиётини таъминлашга қилган интилишлари юксак тарбия мактабига айланди. Соҳибқирон ўз фаолияти билан бугун долзарблик даражаси ортиб бораётган Уйғониш даврини бошлаб берган, бугунги саодатли кунларимизнинг тамал тошини қўйган. XIV-XV асрларда рўй берган юртимиздаги Уйғониш - Ренессанс даврининг иккинчи босқичини асосларини айнан Амир Темур фаолияти билан боғлаш лозим. Ҳақли равишда тарихчилар юртимизда рўй берган иккинчи Уйғониш даврини «Темурийлар Ренессанси» деб аташади. Чунки Амир Темур ҳукмронлиги даврида Уйғониш жараёнининг юз беришига асосий омил бу даврда инсоннинг ҳар томонлама ривожланишига ва ҳар бир кишига ўз қобилиятини тўла намоён қилишга қулай шарт—шароитлар яратилган эди. Амир Темур фаолиятидаги шу жиҳатларни бугунги ёш авлод ватанпарварлик тарбиясини шакллантиришда, уларга бундай туйғуларни сингдиришда бой манба сифатида фойдаланиш катта аҳамиятга эга бўлиб қолаверади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 5 апрелда қабул қилинган “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-471-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/3610935>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июнда қабул қилинган “Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-№ 4375-сонли Қарори // <https://lex.uz/docs/4417961>
3. Амир Темур шахсининг замондошлари томонидан баҳоланиши ва фаолиятининг мустақил Ўзбекистон учун аҳамияти // Самарқандда ўтказилган халқаро симпозиум материаллари. – Тошкент, 1997. – 641 б.
4. Темур тузуклари. Форсча матндан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 184 б.
5. Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996. – 136 б.
6. Бўриев О. Турон тарихининг олтин даври. – Тошкент: Ворис-нашриёт. 2019. – 365 б.
7. Зиёев Ҳ. Буюк Амир Темур салтанати ва унинг тақдири. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 136 б.
8. Мухаммаджонов А. Темур ва Темурийлар салтанати. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1994. – 158 б.
9. Одилов А. Амир Темур тузуклари давлат бошқаруви асослари. Тошкент: Фан ва технология нашриёти, 2016. – 180 б.
10. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 217 б.
11. Уватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 160 б.
12. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 64 б.